

## Ҳужжат имзоланган:

сана: 2021.12.24 11:47:42  
серия рақами: 778f2d3d  
компания: УП АВТОҲО'Л МАХСУС КИҲИМ  
стир: 308325277  
фиш: ХУДОҲУҚУЛОВ ЕРКИН  
email:

сана: 2021.12.27 11:06:14  
серия рақами: 778d4ede  
компания: УП ХОРАЗМ КО' ПРИКЛАДАН ФОҲДА  
стир: 200408560  
фиш: АТАЖАНОВ РУСЛОҲБЕК  
email:

11ЕС648564878Е3А8Е931Е0008000075

электрон ҳужжат идентификатори

## ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ПРОТОКОЛИ

Етказиб берувчи	<u>УП АВТОҲО'Л МАХСУС КИҲИМ</u>	Сотиб олувчи:	<u>"ХОРАЗМ КО' ПРИКЛАДАН ФОҲДАЛИШИ" УК</u>
СТИР	<u>308325277</u>	СТИР	<u>200408560</u>
Манзил	<u>ХОДЖАХАСАН, МАЛИКОВОД МАҲАЛЛАСИ</u>	Манзил	<u>ХИВА КО' ЧАСИ, 87-УҲ 87</u>

## Ҳужжат ҳақида маълумот

Ҳужжат номи	Шартнома
Ҳужжат рақами ва санаси	№ 2021/291 дан 20.12.2021
Шартномага	№ 2021/291 дан 20.12.2021

# ШАРТНОМАСИ № 2021/291

“20” декабр 2021 йил

«Автойул махсус кийим» унитар корхонаси (бундан буён матнда «Сотувчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи Рахбар Худойкулов.Э хамда иккинчи томондан Хоразм КФУК (бундан буён матнда «Харидор» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи рахбар Ш.Матчанов ушбу шартномани куйидагича туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома буйича «Сотувчи» «Харидор» нинг буюртмасига асосан шавртномада кўрсатилган махсулотни (бундан буён матнда товардеб юритилади) етказиб беради. «Харидор» эса ушбу товарларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2 Товар «Сотувчи» нинг мулки хисобланади, у гаровга қўйилмаган ва учинчи шахснинг даъволаридан холидир.

1.3 «Сотувчи» «Харидор» учун: (товарнинг номи, маркаси, артикули, суммаси)

Т/р	Товар номи	Улчов бирлиги	Хажми (Микдори)	Нархи	ККС суммаси	Умумий суммаси
1	Ишчилар махсус кийим кечаклари, оёк кийим ва бош кийимлари, хужалик моллари, йўл белгилари (конус) ва йўл тўсиғлари (БДО)					<b>300 000 000 (ККС билан)</b>

Сотилган махсулотлар номи хисоб варакаларга акс эттирилади.

Жами булиб **Уч юз миллион сўмлик** қийматдаги товарларни ва унга оид хужжатларни «Харидор» га мулк қилиб топширади, «Харидор» эса мазкур шартнома шартлари асосида мазкур товарни қабул қилади ва ҳақини шартномада кўрсатилган муддатда тўлайди.

## II. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

2.1. Товарларни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида «Харидор» га топшириш.

2.2. Агарда товар шартнома шартларига мувофиқ деб топилса, товар «Сотувчи» томонидан бошқасига алмаштирилиб «Харидор»га етказиб берилади.

### «Харидор» нинг мажбуриятлари:

2.3. Товарни 3 кун муддат ичида кўздан кечиради, товарнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, «Харидор» шу муддатда «Сотувчи»га аниқланган номунофиқликлар ҳақида маълумотномаларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

2.4. У шартномада белгиланган нархларда товар ҳақини тўлайди.

## III. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ- КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома суммаси **уч юз миллион сўм** ни ташкил этиб товарнинг хар бирлиги учун сумда ҳақ туланади.

3.2. Мазкур шартнома буйича олинган товарлар қийматини пул кўчириш йули билан олдиндан 50 % маблағини тулайди ва товар қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида қолган қисмини тулиғича пул кўчириш йули билан тулаб беради.

3.3.«Сотувчи»нинг айби билан «Харидор» товарни куздан кечирини имкониятига эга бўлмаган ва уни қабул қилиш туғрисида ҳисоб-варақаларни расмийлаштирмаган тақдирда, у товарни ҳақини тулашни кечиктиришга ҳақли.

#### IV. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ товар сотув жойида топширилади ва товарни топширилганлиги туғрисида ҳисоб-варақалар тегишли тартибда расмийлаштирилиб тўлдирилади.

4.2.Товарни тасодифан нобуд булиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи товар топширилган пайтдан бошлаб «Харидор»нинг зиммасига ўтади.

4.3.Товарни топширишдан бошлаб шартномада келишилган муддатга қадар «Сотувчи» сифатига кафолат беради. Агарда товар белгиланган меъёردа жавоб бермаган тақдирда, уни бошқа сифатлисига алмаштириб беради.

4.4."Харидор" товарни қабул қилиб олишда товарларни тулиқ эмаслиги, сифатсизлиги аниқланган тақдирда ушбу товарларни қабул қилиб олмаслик ҳуқуқига эга.

#### V. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1.Товарни топшириш муддатини кечиктирилганлиги учун айбдор тараф, иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва ҳар бир кечиктирилган кун учун олдиндан товарни харид қилиш учун олдиндан кўчириб берилган маблағнинг умумий суммасини 0,2 % миқдорда пеня тулайди. Аммо пеня миқдори кўчириб берилган маблағ суммасининг 30 % дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2.Туловни кечиктирилганлиги учун "Харидор" тулови кечиктирилган ҳар бир кун учун сумманинг 0,2 % миқдорда пеня тулайди. Аммо пеня миқдори тулови кечиктирилган сумманинг 30 % дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.3.Боқимандани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг мулкӣ жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларига асосан ҳал этилади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

6.1.Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.2.Музокаралар олиб бориш йўли билан низо ҳал этишни имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур низолар Навоий вилояти Кармана туманлараро иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

#### VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

7.1. Томонларнинг хоҳиш - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиӣ офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бўзилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

#### VIII. БОШҚА ШАРТЛАР.

8.1.Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор қилиниши мумкин.

Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сунг 15 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

8.2.Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир - бирларини 5 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

8.3 Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.

8.4.Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

8.5.Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

8.6.Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва 2022 йил 31-декабргача амалда бўлади.

**ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:**

**«Сотувчи»**

**Автоул махсус кийим УК**

Юридик манзилгоҳ: Қизилтепа тумани

Хужа-Хасан ҚФЙ. "Малиқобод" МФЙ

Телефон: \_\_\_\_\_

Х/р 20210000005366088001

ТИФ «Миллий банк» Қизилтепа

туман филиали

МФО: 00945,

ИНН 308 325 277

ККС коди: 312050154307

Рахбар \_\_\_\_\_ Э.Худойкулов

**«Харидор»**

**Хоразм КФУК**

Манзили: Урганч шаҳар

Хива кўчаси 87- уй

телефон \_\_\_\_\_

х/р: 20210000200504607001

ТИФ Миллий банк

Урганч бўлими

МФО: 00547

ИНН: 200 408 560

ҚҚС коди: \_\_\_\_\_

Рахбар \_\_\_\_\_ Ш.Матчанов

**Ҳуқуқшунос хулосаси:**